

ЮЗ ЦЕНТНЕРЧИ ТАШАББУСКОР МАККАЖУХОРИКОРЛАР САФИГА ҚУШИЛИНГ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 119 (6723).

16 июнь, 1976 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV

С Ъ Е З Д И

ҚАРОРЛАРИНИ

А М А Л Г А

ОШИРАМИЗ

«ШОНЛИ ЎЗБЕК МИРИШКОРЛАРИ-
НИНГ ПАХТАЧИЛИКДАГИ ИБРАТЛИ
АНЪАНАЛАРИ БАРЧА ДЕХҚОНЛАР УЧУН
ЯХШИ НАМУНА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛДИ.
СИЗЛАР МАККАЖУХОРИ ЕТИШТИРИШДА
ХАМ ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИ-
ШИНГИЗГА ШАКШУБҲА ЙЎҚ».
Л. И. БРЕЖНЕВ.



Суратда: Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» юлхоан маккажухоризорларида.

А. Абалии фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ КАТТА МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика колхозчилари ва совхозлар-
нинг ходимлари КПСС XXV съезди ва Ўз-
бекистон Компартиясининг XIX съезди та-
рихий қарорларини амалга ошира бориб,
социалистик мусобақани кенг авж олди-
риб, кўрт боқимчи уюшқоқлик билан ўт-
каздилар ва катта меҳнат ғалабасига эриш-
дилар — пилла етиштириш ва давлатга со-
тиш юзасидан ўн икки беш йилликнинг би-
ринчи йилига олган мажбуриятларини бар-
вақт бажардилар. Давлатга пилла сотиш
планини 119 процент қилиб бажардилар.

Қабул пунктларида 27 минг тоннадан
зиёд юқори сифатли пилла етказиб бе-
рилди. Биринчи марта ана шундай миқдор-
даги пилла тайёрланди. Бу — планда бел-
гиланганидан 4,3 минг тонна ва ўтган йили
топирилганидан 4,4 минг тонна кўпдир.
Урта ҳисобда ҳар қутти кўрт уруғидан 67
килограммдан зиёд пилла олинди.

Коркалпоғистон АССР ва республика-
нинг барча областлари давлатга пилла со-
тиш юзасидан социалистик мажбуриятларини
анича ошириб бажардилар. Андижон
области хўжаликларни пландан ташқари 760
тонна, Бухоро области хўжаликларни 707
тонна, Фарғона области хўжаликларни 701
тонна, Самарқанд области хўжаликларни
569 тонна, Наманган области хўжаликларни
436 тонна, Тошкент области хўжаликларни
390 тонна, Хоразм области хўжаликларни 260
тонна, Қашқадарь области хўжаликларни
154 тонна, Сирдарё области хўжаликларни
75 тонна, Сурхондарё области хўжаликларни
71 тонна, Жиззах области хўжаликларни
70 тонна, Қоракалпоғистон АССР хўжалик-
лари 120 тонна пилла етказиб бердилар.

Денов, Хўжаобод, Ленин, Жалайдуқ,
Бухоро, Навоий, Бекобод, Янгийўл, Избос-
кан, Бағдод, Буянда, Пахтабод, Москва,
Балиқчи, Қўрғонтепа, Ариасон, Галлаорол,
Дўстлик, Учқўрғон, Янгийўл, Андижон,
Коракўл, Қизилтепа, Шофиркон, Задарё,
Коссови, Норин, Поп, Чуст, Урта Чирчиқ,
Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Иштихон, Са-
марқанд, Пахтачи, Каттақўрғон, Бўка, Кали-
нин, Тошкент, Чиноз, Киров, Тошлоқ, Ле-
нинград, Урганч, Оқдарё, Булунгур, Нар-
пай, Полярник, Янгирок, Бўз, Комсомол-
обод, Тўртқўл, Хўжайли, Тахтақўпир, Хива
ва бошқа бир қатор районларнинг пилла-
чилари ҳар қутти кўрт уруғидан 67-75 ки-
лограмм ва ундан ҳам кўпроқ пилла олиб,
зиёд юқори ҳосилдорликка эришдилар, ҳам-
да пилла етиштириш ва давлатга сотиш
мажбуриятларини анича ортириб бажар-
дилар.

130 хўжалик ҳар қутти кўрт уруғидан
рекорд ҳосил — 80—100 килограммдан,
382 хўжалик 70—80 килограммдан ҳосил
олди. Ленинград районидagi Энгельс но-
ли колхоз, Киров районидagi «Октябрь»
40 иккилик совхоз, Жиззах районидagi
Навоий номили ва «Москва» колхозлари,
Пахтачи районидagi Оқунбобоев номили,
Пастдарғом районидagi «Москва», Урганч
районидagi Чапаев номили, Задарё райони-
дagi «Гигант», Буянда районидagi «Пар-
тия XX съезди», Ленин районидagi «Ком-
мунизм» ва «Ўзбекистон», Андижон рай-
онидagi «Октябрь» колхозлари ва бош-

бир қатор хўжаликлар ана шундай юқори
кўрсаткичларга эришдилар.

Республиканинг дондгор пиллачиси, Со-
циалистик Меҳнат Қҳрамони, Дав-
лат мукофотининг лауреати Олияхон
Султонова уч қутти кўрт уруғининг ҳар
қуттисидан 140 килограммдан, унинг
кўплаб издошлари эса 100—120 килограмм
ва ундан ҳам ортиқ пилла олдилар. Фрун-
зе районидagi Калинин номили колхоздан
Д. Мейеропова, Вобекит районидagi Тель-
ман номили колхоздан З. Хатамова, Олот
районидagi «Партия XXII съезди» колхоз-
дан Ш. Собирова, «Огоно» совхозидан
Ф. Никитина, Ленинград районидagi «Ком-
мунизм» колхозидан У. Токибова, Қизил-
тепа районидagi «Еш ленинчи» колхозидан
И. Хайдарова, Оққўрғон районидagi «Пар-
тия XXII съезди» колхоздан К. Хоназарова,
Чиноз районидagi Оқунбобоев номили
колхоздан Т. Бадиёва, Богот районидagi
Ждано номили колхоздан С. Раҳимова, Ян-
гирок районидagi Чапаев номили колхоз-
дан М. Қораева, Андижон районидagi
Куйбишев номили колхоздан М. Қосимова,
Ленин районидagi Ленин номили колхоздан
Р. Иминова, Жиззах районидagi «Москва»
колхоздан Б. Райимжонов ва С. Токибо-
ева, Ўзбекистон районидagi «Комсомол»
совхоздан И. Усмонова, Шеробод райони-
дagi Ленин номили колхоздан Б. Худобер-
диева, Жарқўрғон районидagi Боймуродов
номли колхоздан Б. Шоймқулова, Паст-
дарғом районидagi «Москва» колхозидан
У. Қўлмуродова, Пахтачи районидagi Оқун-
бобоев номили колхоздан Т. Қаландарова,
Китоб районидagi Улуғбек номили колхоз-
дан Б. Холмиева, Шахрисабз районидagi
Фрунзе номили колхоздан А. Эризаарова,
шу райондagi Энгельс номили колхоздан
С. Холмиева, Норин районидagi Эн-
гельс номили колхоздан М. Абдуллаева ва
бошқа кўплаб пиллачилар ҳам ана шундай
юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Илак кўрти боқимчининг илгор усуллари
кеиғ қўлланилаётганлиги туфайли кўпчилик
хўжаликлар, республиканинг минг-минглаб
пиллачилари пилла етиштиришни йил сайин
кўпайтирмоқдалар.

Республика пиллачилари эришган му-
ваффақиятда олимлар, ишчилар ва хизмат-
чилар ҳамда пиллачиллик корхоналари му-
техассисларининг муносиб ҳиссаси бор.

Эришилган катта меҳнат ғалабаси —
КПССнинг илмий асосланган аграр сисба-
ти оғимай амалга оширилаётганлиги на-
тижаси, қишлоқ меҳнатқашларининг улкан
гайрат-широки, партия ташкилотлари,
совет, кўсаба соҳа, комсомол органлари-
нинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш
самарадорлигини ошириш борасида олиб
бораётган катта ташкилотчилик ишлари на-
тижасидир.

Республика партия, совет ва қишлоқ хў-
жалик органлари КПСС XXV съезди қўйган
вазифаларни ҳал эта бориб, қишлоқ хўжа-
лигини интенсификация, пиллачиллигини саноят
негизига ўтказиш, пилла қуртини марказ-
лашган асосда боқимчи кенг жорий қилиш,
пилла етиштиришни янада кўпайтириш ва
сифатини яхшилаш юзасидан катта иш
олиб бормоқдалар.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ

ИЛГОР МАККА-

ЖУХОРИКОРЛАРИ

РЕДАКЦИЯМИЗ

МЕХМОНИ.

Газетамизнинг бугунги
сонидa улар ўз ишлари
ҳақида ҳикоя қиладилар.

ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Совет кишилари, бутун про-
грессив инсоният Умумжаҳон
Тинчлик советининг қуролла-
ниш пойгасини тўхтатиш ва ку-
ролсизланиш юзасидан Сток-
гольмда қабул қилган хитоб-
номасини қўллаб-қувватламоқ-
далар.

Утган шанба кунин Тошкент
область партия комитетининг
мажлислар залида тинчликни
ҳимоя қилиш, область комитет-
тининг кенгайтирилган мажли-
си бўлиб ўтди. Унда область
касаба союзлари Совети раис-
и, тинчликни ҳимоя қилиш
Тошкент область комитетининг
раиси А. В. Браилов доклад қилди.

— Биз қадрдон партиямиз,
КПСС Марказий Комитети Бош
секретари ўртоқ Л. И. Бреж-
нев бошчилигидаги ленинча
Марказий Комитетнинг ташқи
сиёсий йўлини қизғин қўллаб-
қувватлаймиз, — деди «Таш-
селлаш» заводининг мастери,
Социалистик Меҳнат Қҳрамо-
ни М. Юсупов.

«Красный водопад» тажриба
хўжалигининг сўт соғувчиси,
Социалистик Меҳнат Қҳрамо-
ни Анастасия Ивановна Чудная
шундай деди:

— Ҳар биримиз барча соф
виждонли кишилар истогини
билдирувчи хитобнома остига
зўр қониқлиш билан имзо че-
камиз.

— Умумжаҳон Тинчлик со-
ветининг хитобномасига имзо
чекиб, биз ҳам уруш ҳавфини
йўқотиш ишига ўз ҳиссамизни
қўшган бўламиз, — деди ўрта
Осиё медицина педиатрия ин-
ститутининг ректори, профес-
сор, медицина фанлари докто-
ри В. М. Мажинов. — Комму-
нистик қурилишни янада кенг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОҚҚУРҒОНДАГИ 6-МАКТАБНИ БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАРИНГ ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ ВА
ОБЛАСТЬ МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ ТУГРИСИДА

Оққўрғондаги 6-мактабнинг бир груп-
па битирувчи қизлари юксак ватанпар-
варлик ҳисси билан тўлиб-тошган ҳол-
да партия XXV съезди қарорларини
бажаришда бевосита иштирок этиш иш-
тиёқиди мактабни битиргандан сўнг
республиканинг илгор корхонаси —
Тошкент тўқимачилик комбинатига бо-
риб ишлашга қарор қилдилар. Худди
шу мактабни яқинда тугатган, ҳозирда
эса «Хурмат белгиси» ордени кавале-
ри, ивановлик тўқимачи Шогордова-
лар мукофотининг лауреати ёш тўқув-
чи Дилбар Қўлматова шу корхонада ўз
меҳнати билан шўхрат топти.

Оққўрғонлик ўқувчилар Тошкент об-
ласть ўрта мактабларини битирувчи-
ларга муурожаат қилиб, уларни ўз ҳаёт-
ларини тўқимачи касби билан боғлаш-
га, Тошкент тўқимачилик комбинати
ишчилари сафидин тўлдиринишга чақи-
риб, уларни билан бир сафда туриб,

партиянинг улғувор планларини, тўқу-
мачи беш йиллик топириқларини ба-
жариш учун қурашга муносиб ҳисса қў-
шишга даъват қилмоқдалар.

Тошкент область партия комитети
оққўрғонлик ўқувчи қизларнинг юксак
онглигини ва ватанпарварлигини, улар-
нинг ишчи касбларини қадраётганли-
ларини, мамлакатимизда коммунизмнинг
актив қурувчиси бўлган ишчи номи
билан фахрланаётганликларини таъкид-
лайди.

Тошкент область партия комитети
Оққўрғондаги 6-ўрта мактабни бити-
рувчи қизларнинг Тошкент области ўр-
та мактабларни битирувчиларига мууро-
жаатини маъқуллади.

Тошкент шаҳар партия комитетига,
шаҳарлар ва районлар партия коми-
тетларига 6-ўрта мактаб битирувчи қиз-
ларнинг муурожаатини мактабларда му-
ҳомама этганини ташкил қилиш ҳамда

мактаб битирувчиларини Тошкент тў-
қимачилик комбинатига ишга кенг жалб
қилиш юзасидан тегишли зарур чора-
лар қўриш тавсия қилинди.

Область комсомол комитетига ўрта
мактабларнинг битирувчиларини Тош-
кент тўқимачилик комбинатига ишлаш-
га ҳамда корхона ҳузуридаги профес-
сионал ва профессионал-техника билим
курсларида ўқишга жалб қилиш мақсадига
ўқувчилар орасида кенг тушунтириш
ишларини олиб бориш тавсия қилинди.

Область ҳалқ маорифи бўлими ва
Тошкент шаҳар маорифи бўлимига
Тошкент тўқимачилик комбинатининг
ишчи кучига бўлган аҳтиёжини ҳисобга
олиб, ўрта мактаб битирувчиларини
комбинатга ишга жалб қилиш юзасидан
шаҳарлар ва районлар маориф бўли-
ларига конкрет топириқлар ишлаб чи-
қиш топирилди.



Суратда: Тошкент шинин за-
води ишчилари Жаҳон тинчлик
Совети Стокгольм хитобнома-
сига имзо чекамқдалар.

А. Горюкин фотоси.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

15 июнь кунин Ўзбекистон
Журналистлар союзининг пленуми бўлди.
Пленумда КПСС XXV съезди
қарорларини бажариш соҳа-
сида Союзнинг вазифаларини
муҳофаза этишда, Республика
Журналистлар союзининг правле-
ниясининг раиси З. И. Есен-
боев доклад қилди.

Докладчи ва музокаралар-
да сўзга чиққан итиқлар рес-
публика матбуоти, телевиде-
ниеси ва радиосининг ходи-
млари партия XXV съезди на-
зоратини муваффақиятли
амалга ошириш учун, олган
социалистик мажбуриятларини
муддатдан илгари бажариш,
мавжуд резервлардан тўла-

роқ фойдаланиш, ишлаб чи-
қариш самарадорлигини ва
маҳсулот сифатини ошириш
ушун олиб борилаётган умум-
халқ қурашга муносиб ҳисса
қўшишга иштирокчиларини
таъкидлаб ўтдилар. Сўзга
чиққан ўртоқлар КПСС XXV
съезди қарорлари асосида
пахтачиллигини янада ривож-
лантириш юзасидан Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий
Комитетининг иккинчи плену-
ми ўртага қўйган вазифаларни
бажариш учун газеталарни
ишчи редакциялари қураётган
тадбирлар тўғрисида гапириб
бердилар. Улар редакция
коллективларининг фаолиятини
ҳар томонлама таҳлил қилиб,
Журналистлар союзи ижодий

ва ташкилотчилик ишининг са-
васини бутун чоралар билан
ошириш зарурлигини қўра-
тиб ўтдилар. Матбуот ходи-
мларининг социалистик мусоба-
қада иштирокига, матбуот ма-
териалларининг таъсирчанли-
гини оширишга алоҳида эъти-
бор берилди.

Пленум журналистларнинг
Жаҳон Тинчлик кенгашининг
янги Стокгольм Хитобномаси-
га имзо тўллаш юзасидан ўт-
казилаётган оммавий кампа-
нияда иштироки тўғрисидаги
масалани ҳам кўриб чиқди.
Пленум қатнашчилари Жаҳон
Тинчлик кенгашининг қуролла-
ниш пойгасини тўхтатиш, ҳалқ-
аро кескинлигини юмшатиш
ишлари муқаррар жараёнига айлан-

тириш ҳақидаги даъватини
республикадаги барча мат-
буот ходимлари номидан қиз-
гин қўллаб-қувватладилар.


Пленум қабул қилган баён-
отда Ўзбекистон журналист-
лари тинчлик ва ҳалқаро ҳам-
корлик учун, халқлар озооди-
ли ва мустақиллиги учун ку-
раш олиб бориш юзасидан
КПСС XXV съезди ўртага қўй-
ган программани муваффа-
қиятли амалга оширишга бу-
ндан буён ҳам бутун чоралар
билан қўмақлашадилар, деб
таъкидлади. Пленум қатнаш-
чилари Жаҳон Тинчлик кен-
гашининг хитобномасига имзо
чекдилар.

Пленумда Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитетин-
ининг секретари О. У. Салимов
нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXV съездин
қарорларини амалга
оширамиз

„ДАЛА МАЛИКАСИ“



СЎТАЛАР БЎЛИҚ БЎЛСИН

АСЛ деҳқон экинчи ўз фарзандидек авайлаб-асрайди, парвариш қилади. Зеро, унинг ризқ-рузи, бойлиги обрў-эътибори шу экиндан олинганлигини ҳис қилиш мумкин. Сифатига боғлиқдир, мўл-кўлчилик, мамлакат фаровонлиги. Батон қудрати ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ҳосил чўғига боғлиқ эканлигини қалбдан ҳис этади у.

Деҳқончилик ҳам бир санъат. «Қаловини топан қор ёнади» деганларидек, ҳар қандай экин-дан, ҳар қандай шайхонда юқори ҳосил олиш деҳқоннинг оқилдорлигига, таърибкорлигига, маҳоратига, билимга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг хўжалигимиз мисолида ҳам ақлоқ кўриши мумкин.

Колхозимиз — кўп тармоқли хўжалик. Бригаданимиз эса маккажўхориликка ихтисослаштирилган. Биз маккажўхорида юқори ҳосил еттиштириш учун нимани зарур бўлса, барчасини маромида бажо келтирмоқдамиз.

Бу йил 187 гектар майдонга барака уруғи қадаган эдик. Шундан 73 гектари дон учун экинган маккажўхори. Қолган майдонларга маккажўхорини бедага аралаштириб эдик. Дон учун экинган маккажўхори ниҳоллари кунда бир яшнab барқ уриб ўсаятир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдонда 55—60 минг туп ниҳол бор. Ҳар бир сўтадан 200 граммдан «қаҳрабон» олишни мўлжаллаб иш тутаямиз. Маккажўхорининг ВИР 338 на-видан бундан ҳам ошйиб ҳосил олиш мумкин.

Дон учун экинган маккажўхори уруғини ерга қадаш олдида ҳар гектарига 100 килограммдан аммиакли селитра солган эдик. Уруғ унib чиқ-қач, култивацияни бошлаб юбордик. Сўнгги об-и-тобига қараб сугорини қиришдик. Ҳозир учин-чи сугорини бошлаб юбордик. Бунгача ҳар гек-тар ердан маккажўхори экинига 150 килограмм-дан азотли ўғит бериб озиқлантирган эдик.

Бригаданимизда агротехника тadbирлари бир-бирига узвий боғлаб олиб бораётир. Механизатор Ано-роқ Туреубоев гайрат кўрсатиб меҳнат қилиб, ҳозиргача қатор ораларини учинчи култивация-дан чиқарди.

Сув — экиннинг қони, деб бежиз айтишмаган. Бунинг қалбдан ҳис этаётган абу-ҳаёт тарзидан Ҳасим Алимов, Абдуназар Абдуллаев, Туреубо-е-в, Туреубоев, ҳар туп кўчани — қондириб суго-ришпти. Улар ва бригаданимиз бошқа аъзолари мак-кажўхори экинини қалб кўри, меҳр зибси билан парвариш қилиб, барқ уриб ўсишини таъминла-моқдалар.

Бу йил гектар бошига 100 центнердан маккажў-хори дон ва 500 центнердан силосдон кўлоқ ола-миз. Бир группа дондор меҳнаткорларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежневга мактуби ҳамда Леонид Ильич-нинг жавобидан илҳомланиб, меҳнат ғайратини яна-да жўш уралиб юбордик. Биз партия ва ҳукума-тининг ота-ларга раҳбарлигига жавобан ҳосил-дорлигини муттасил ошириб боришни ўзинининг шон-шараф ишмига деб биламиз.

С. УСМОНОВ,

Бекобод районидagi Ленин номи колхозининг маккажўхорилик бригадаси бошлиғи.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ

МАККАЖЎХОРИНИ «дала маликаси» деб ҳам атайдилар. Баланб буйли, кочилини ёниб ўсадиган бу ноёб ўсимлик ҳақиқатан ҳам маликалардек сар-қомат. Биз ҳам «дала маликаси»га ишқибоз бўлиб уч йилдан бери ана шу экин билан шугулланиб келмоқдамиз.

Газета на журналларда моҳир маккажўхори-корларнинг иш таърипларини ўқиб, ҳавас қиламиз. Ўт-ган йили юқори ҳосил олиш учун аниқгина тadbир-ларини амалга оширдик. Лекин, сув таъқиқлиги ту-файли қўлаган мақсадимизга етолмай қолдик. Ҳар гектар ердан салкам 77 центнердан ҳосил йиғиб олдик.

Бу йил об-и-ҳаво қулай келди. Сув сероб, нам етарди. Демак мўл ҳосил еттиштириш учун шарт-шароит мавжуд. Экин майдонимиз 70 гектар. Шун-дан 40 гектарига дон, 30 гектарига силос учун мак-кажўхори эдик.

Экиндан олдин ҳар гектар ерга 15 тоннадан гўнг, 800 килограммдан суперфосфат солиб, ерни хўп тўйдирдик. Экин билан бир вақтда ҳар гектар майдонга 120 килограммдан аммиакли селитра солидик. Экинлар тўла ва бир текис унib чиқди. Ўз вақтида агротехника қондаларига риоя қилган ҳолда яна қилидик. Ҳар гектар ерда 45—50 минг туп кўчат қолдиридик.

Тупроқни қилдириш мақсадида култивацияни барвақт бошладик. Бу ишда механизаторимиз Ёр-пийиб Бўлишевнинг хизматлари маънога лойиқ. У ҳамма экин майдонимизни сифатли култивация қилмоқда.

Экинни биринчи култивация қилиш даврида ёш ниҳоллар яхши ривожланиши учун яна 500 килограммдан аммиакли селитра солидик. Иккинчи кул-тивация қилиш даврида эса гектарига 300 кило-граммдан аммиакли селитра берилди. Шундай қи-либ, ўсимликни озиқага тўйдириб парвариш қи-лимоқда. Унинг эркин ва бақувват бўлиб ривож-ланиши учун шароит яратилмоқда.

Албатта, экин ҳар томонлама яхши ривожланиши, яхши ҳосил олиш учун фақат озуқа билан таъмин-ланиши ўзи кифой қилмайди. Еки ёнбойи ўтлар-ни йўқотиб, ҳадеб култивация қилабеган билан иш битийди. Экинни яхши озиқлантириш билан ўз вақтида қондириб сугориш ҳам зарур. Шунинг учун биз агротехниканинг бу муҳим тadbирига алоҳида аҳамият берамиз.

Бригаданимизда ишни қўзғани билан, ўз хунарига ихлос қўйган меҳнатсевар сувиҳларимиз бор. Улар-ни кўпчилик ҳурмат қилади. Масалан, Сайфулла Саидалиев, Мамажон Миромонов, Туреубоев Али-хўжаев силари сувиҳларимиз экинларни қондириб маромига етказиб сугормоқдалар. Шунинг учун одам бўйида баланд бўлиб қолган «дала малика-си»нинг бўйига-бўй қўшилмоқда. Уни қўрган сари бизни мўл ҳосил еттиштиришга бўлган ишончимиз ортиб бормоқда.

Ҳозиргача барча майдондаги маккажўхори би-ринчи сувдан чиқди. Азамат сувиҳларимиз ўсимлик-ни иккинчи марта сугорини ҳам бошлаб юборди-лар.

Бригаданимиз гектаридан 100 центнердан ҳосил олиш учун ана шу тadbирларни амалга оширмоқда. Бу тadbирлар яхши натижа беради, деб, астойдил ишонамиз.

М. БЕКНАЗАРОВ,

Охангарон районидagi «Галлақудуқ» совхози маккажўхорилик бригадаси бошлиғи.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАМИЗ

Маккажўхорилик бригадасининг ўн икки аъзо-си бор. Улар — аслида турли касб эгалари. Мак-табни битириб, ўрта маълумот олгандан кейин Со-вет Армиясида бўлиб, граждaнлик бурчини садоқат билан оқлаб қайтдик, турли касбларни ўрганиб кел-дик. Хўжаликка қайтиб келиб, маккажўхорилик бригадаси туздик.

Колхоз маъмурияти янги бригада учун шароит яратиб берди. Трактор билан таъминланди. Эҳтиёт қисмлар олиб турдик. Дала шийпонимиз ҳам на-мунали жиҳозланди. Атрофи гулзорга айлантирил-ди. Ҳар кун иш бошида несиқ овқат ташкил қи-ладиган бўдик. Аванс пуллари бериб боридик.

Ешларимиз доимо ўқиб ўрганиб деҳқончилик ма-даниятини оширишга ҳаракат қилдиклар. Кеска мак-кажўхорилик билан маслаҳатлашдиклар, билма-ганларини сўраб олдиклар. Уларнинг маслаҳатлари-ни амалга оширишга ҳаракат қилдиклар.

Аваллари ҳосил гектар бошига 70 центнерданга аранг етказилар эди. Биз оширилган социалистик мажбурият олдик. Илгорлар ташаббусига қўшилиб, гектаридан юз центнердан дон топиштиришга бел боғладик. Бунинг амалда ундай олиш мумкинми? Ҳа, комсомол-ёшларимиз бунинг учун ўпинчи беш йилликнинг дастлабки йилида меҳнат унумдорли-гини оширадилар.

Бригада маккажўхорилик билан бирга лав-лаги еттиштиришга ҳам зўр бормоқда. Бу экиндан ҳам кўпроқ ҳосил еттиштириш учун ҳаракат қила-миз. 1976 йили 500 центнер маҳсулот топиштири-ни асосий мақсад қилиб қўйдик. Демак, бригада-мизда дон ва хашаки лавлагини кўп бўлади. Ешлар барча майдонларга «ВИР-338» нави уруғ экинган эди. Сарик рангли нав сновдан анча яхши чиқди. Довдор, тарозибосар, бўйи узун бўлди. Биз бу нави уруғнинг кўчатини кўпроқ ва унинг белгилан-ган қалинликда бўлишига ҳаракат қилаёмиз.

Ҳар гектар ерда 50 минг дон кўчат бўлганда-гина мажбуриятни бажариш мумкин. Шундай экан, кўчат кўп бўлиши зарур.

Мен тракторчилик қиламан. Топирилган вази-фамни сўқидилдан бажариш учун барча чораларни қўраяман. Айниқса, қатор ораларига ўғит со-лишда, ариқ олишда, култивация қилишда агро-номининг маслаҳатига қўлоқ солаёман. Берилган топириқни бир ярим баравардан бажаргандан кейингина уйга қайтаман.

Бригада бошлиғи ташкилотчи, демакдир. У фа-қат раҳбарман деб қўл қовуштириб ўтирмайди, ўзи ҳам далада меҳнат қилиши керак. Ана шунда-гина бонқалар ҳам интизомли бўлади. Мен ана шунга эътибор қилаёман.

Ф. ИБРОҲИМОВ,

Янгийул районидagi Н. Ниезов номи колхозининг бригада бошлиғи.

ГЕКТАРИДАН— 120 ЦЕНТНЕР

БИЗДА маккажўхори учун ҳар йили серҳосил, суви ерлар ажратилади. Бу ерларни ўз вақтида шўдорлаб ўқитилади. Уруғлигини танлаб саралаб экишга алоҳида эътибор берамиз. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил еттиштирмоқдамиз. Дон ҳосили ҳам, кўк поя ҳосили ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу йили марраимиз — ҳар гектаридан 120 цент-нердан маккажўхори дон еттиштиришдик. Айтганга сўз — отилган ўқ, дейдилар. Биз кўп йиллик тўп-ланган таърибларимизни янги соҳанинг кўнглига тутиб, ана шу юксак мажбуриятни олдик. Қолавер-са, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаёта татиқ қилиш ишгаёқ бизни янги марраларга руҳлантирди.

Бригаданимизда дала ишларининг аксарияти ме-ханизация ёрдамида бажарилади. Дала ишлари, агро-техника тadbирлари маромида амалга оширилади, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда.

Ўпинчи беш йилликнинг биринчи йилида мамла-катимиз, шу жумладан, республикамизда дон етиш-тириш кескин қўнайириш учун кураш қилиб кетди. Колхоз ва совхозларда юз центнерни макка-жўхорилик ҳаракати авж олди. Биз ҳам ана шу ҳаракатга биринчилар қатори бўлиб қўшилган-лигимиз билан фахрланамиз.

Бу йил экин майдонларимизни кенгайтирдик. Йўл чеккалари, ортиқча ўнарликлар, марзалар ҳисо-бага уч гектар ер қўшилди. Маккажўхори уруғли-гини ўз вақтида экиб, бир текис ундириб олдик. Кўчатларимизнинг қалинлиги ҳам кўнглидагидек. Ўсимлик яхши ривожланмоқда.

Яқинда бригаданимизга кўшми колхоздан мусоба-қадонлар келиб, маккажўхориликнинг айлани-б кўришди. Бизнинг мўлжалимиз билан қизикти-ди. Ҳар гектаридан 120 центнердан қаҳрабон дон еттиштиришга аҳд қилганлигимизни айтдик. Шунда улар бизнинг таърибимиз билан қизикиб қолди. Биз уларга экинни қай усулда ўтказганлигимиз, янаалди, сугорини, озиқлантириш, култивация ишлари қандай ташкил қилинганлигини айтиб бер-дик. Ўнг муҳимни, вақтдан унумли фойдаланмоқ-дамиз. Дарҳақиқат, деҳқончиликда ҳар бир ишнинг ўз вақти, ўз меъри, мароми бўлади. Ҳарқий деҳ-қон ана шунинг ҳисобига олган ҳолда иш юритади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланиш, илгор технологияни кенг қўланиш, ўз ишмииз сифатини ҳар жиҳатдан ях-шилаш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Чунки самарадорлик ва сифат беш йиллик, деб аталган ўпинчи беш йиллик биз, қишлоқ меҳнат-чиллари олдида юксак талабларни қўймоқда.

Бригаданимиз ана шундай ният билан иш олиб бормоқда. Маккажўхори — бебаҳо экан. Биз бу экиннинг ҳар тупини авайлаб, устиморқдамиз. Бар-ча резервлар, имкониятларини тўла ишга солимоқда-миз.

Юксак мажбуриятларни бажариш учун шу кун-ларда парвариш ишларини юксак агротехника қон-даларига мувофиқ ўтказмоқдамиз. Озиқлантириш асосан тўғалланди. Бундан бунгит бутун лиқат-эътибор сугорини қаратилади. Агар сугорини ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, маккажўхори сўта-лари тез дон олиб, яхши семиради. Сувиҳларимиз ана шунинг ҳисобига олган ҳолда ишлайдилар.

Т. ШОҒИЕСОВА,

Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхози маккажўхорилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ДАЛА ХАШАК
ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТУҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 14 ИЮНГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

[Биринчи устун — йиллик
топирик, тонна ҳисобда, ик-
кинчи устун — планининг бажар-
илиш проценти.]

Янгийул	36.000	61,5
Бўка	37.000	61,4
Пискент	27.000	59,6
Келкени	39.000	59,5
Тошкент	26.500	56,8
Оққўрғон	34.500	56,1
Бекобод	39.000	55,7
Қўйи Чирчиқ	54.000	54,7
Ўрта Чирчиқ	38.000	49,6
Чиноз	41.000	48,4
Охангарон	67.500	46,3
Оржоникидзе	27.500	44,1
Бўстонлиқ	45.000	43,5
Юқори Чирчиқ	60.000	42,4
Область бўйича	573.000	52,1




Я Н Г И МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Тошкент районидаги колхоз ва совхозларда ҳам қорва-чиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, мўл-кўл ем-хашак жамғариш учун қизгин кураш бормоқда. Табиий ўтлардан қўлаб пичан тайёрланаётир. Беда ўрини на-мунали ўтказилаётир. Маккажўхори пайқаларида ҳам меҳнат авжиди.

Бу районда ҳам юз центнерни маккажўхорилик қў-лайиб қолди. «Ленин йули» колхоздан (чапдан) Т. Мадр-раимов, Ильяч номи колхоздан Т. Ахромов, Навоий номи колхоздан К. Якубов, Охунбобоев номи колхоздан Ю. Холматов ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар шу кунларда маккажўхори парваришини намунали ўтказиш учун зарур тadbирларни амалга оширмоқдалар. Ҳар гектаридан 100 центнер ва ундан ошйиб дон ҳосили йи-ғиб олиш, қўлаб силос бостириш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар. Деҳқончилик маданиятини юксалтириб, ишда юқори кўрсаткичларга эришишга аҳд қилган ҳол-да меҳнат қилмоқдалар.

А. Абелян фотолари.

МАЪМУРЧИЛИК БАРАКАСИ



КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИҒИДА

ТОШКЕНТ кишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетининг бундан икки йил илгари тугаллаган эдим. Мени Киров номи ўқув таъриба хўжалигига ишга юбордилар. Бу ерда икки йил кomsomol ташкилотининг секретари бўлиб ишладим.

Ёшлар ўзларининг куч, гайратларини аямасдан фан ва таъриба ютуқларини қўлланиб, кишлоқ хўжалиги экинларида юқори ҳосил етиштириш учун курашдилар.

Айниқса маккажўхори экиннинг комсомоллар оталиғига бериб қўйилганлиги масъулиятини оширди. Ҳар гектаридан 70—80—90 центнердан маккажўхори дон ҳосили олувчи звенолар қўнайиб борди.

Маккажўхорилик касбига қизиқиб қолдим. Институтда олган билимларимни амалиётда синая қўришга аҳд қилдим. Районимиздаги Ленин номи колхозга ишга юборилар. Комсомол ёшлар бригадаси тузилди ва бу бригадани 110 гектар ер ажратиб бердилар.

Биз ишни ўзимизга ажратилган экин майдонларини бегона ўт нафизларидан тозалашдан бошладик. Ёрми чўқур шугор қилдик. Ёрта баҳорда боронани ҳам ўз вақтида ўтказдик. Уруғликни саралаб, сўнг эдик. Барча майдонларда ниҳоллар бир текис ушиб чиқди. Биз ҳисоблаб чиқдик: ҳар гектар ерда ўртача 55 минг тулдан қўчат сақлаб қўлинобди.

Биз маккажўхорининг ВИР-338 эртапешар навидан 89 гектар ерга экканмиз. Бу навидинг афзалликлари кўп экан. Поллари бўлиқ, туллари баланд бўлиб ўсишти. Ҳар биттаси тўрт-бештагача сўта чиқариш мумкин.


Колхоз комсомол ташкилоти ҳисобида 187 комсомол бор. Улардан 31 киши бевосита маккажўхорилик билан шугулланмоқда.

Комсомол ташкилоти беш маккажўхорилик урғасида экинчи-сўнги ишларни қўлайтиришга ҳам эътибор бераётир. Улар ўрғасида мусобана ағж олдирилган. Мусобакага ҳар ўн беш кунда яқин леалмоқда. Маккажўхори култивация қилиш, сугорилишда яқин кўрсаткича эришадиган маккажўхорилик ҳам мўддий, ҳам маънавий рағбатлантиришмоқда.

Яқинда матбуотда мамлакатимиздаги бир гуруҳ кишлоқ хўжалиги дондорларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга хати ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавоб мавтуби эълон қилинди. Бу ҳужжатларда кишлоқ хўжалик меҳнатчилари олдиға мўҳим вазифалар қўйилган. Биз ҳаммамиз кўлай имкониятлардан фойдаланиб, давлат манфаатларини қўлаб иш юритишимиз, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни юксак ушшоқлик билан ўтказиб, давлатга маҳсулот сотиш юзасидан олган вазьданини муваффақиятли бажарилишини таъминлашимиз керак.

Л.И. РУДОЛЬФ.

Қўн Чирчиқ районидagi Ленин номи колхоз комсомол ташкилотининг секретари, маккажўхорилик бригадаси бошлиғи.



Я Ш И Л ПАЙКАЛЛАР

ҲАММА жойда ҳам экин авжи ривожланиётган пайт ҳозир. Негаки, кейинги кунларда ҳавонинг ҳарорати анча кўтарилди. Эгит олиб маромда қондириб сугорилган экин қўш тафтидан баҳра олиб барқ уриб ўса бошлади.

Бизнинг далаларимизда ҳам шундай. Лекин, маккажўхори экинган пайкаллар, менинг назаримда, бошқа қўшни хўжаликлардаги экинга нисбатан бирмунча яхши ривожланипти. Ҳар гектар майдонда 60 минг тул ниҳол ҳосил қилган бўлса, бу ниҳолларнинг ҳар бирини авайлаб-асраб мўл ҳосил тулганига замин яратмоқдамиз.

Бу йили макбуритини ўтган йилдагидан анча патта. Бултур 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан маккажўхори дони топишган эдик. Ўзинчи беш йилликнинг дастлабки босқичида эса бу кўрсаткичнинг 100 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Экиннинг бу қадар тез ўсишига осонликча эришилгани йўқ. Баъзилар «Бу йил баҳор серёғини келди, шу боседан ҳар қандай экин ҳам тез ривожланипти», дейишади. Бу, бир томондан тўғри. Бироқ, ҳар қандай экинни ҳам олар сўғга қондиришга нима етсин! Бундан ташқари, ёғингарчиликлар жуда кўп бўлганлиги туфайли, биринчидан, ерда қатқалоқ пайдо бўлди, иккинчидан, бегона ўтлар кўп ва яйраб ўсишга шароит яратилди. Биз таърибада серёғини келган фаслларда бегона ўт, ҳашарот, зараркунадалар қўлайишини синая келишимиз. Демак, «Ёғингарчилик кўп бўлди; натижада ўсимлик тез ўсиб ривожлана бошлади» деган мўлоҳазалар деҳқонни ҳеч қачон овута олмайди. Аслида, моҳир деҳқон, талбиркор маккажўхориликнинг бегона ўтларни тағ-томир билан йўқотдилар. Ҳар бир эгитдаги маккажўхори ниҳоллари қўздан нечириб борилди.

Ҳозир ҳамма пайкалларда бирорта ҳам бегона ўт учратмайси. Биз бунга экин қатор ораларини чўқур култивация қилиш орқали эришдик. Бу ўз навбатида ҳар тул ниҳолнинг барқ уриб ўсишга имкон бермоқда.

Бригаданимизда қатор ораларини култивация қилиш, маккажўхорини сугорилиш ва озиклантириш каби агротехника тадбирлари ўртасида узилишга йўл қўйилмапти. Ёрга барака уруғи қадан пайтида ҳар гектар майдонга 60 килограммдан азотли ўғит солган эдик. Бу уруғнинг беҳато ушиб чиқилиши таъминлади. Шундан сўнг дарҳол култиваторларга етарли миқдорда иш органлари ўрнатиб, қатор ораларини юмшатишга киришдик. Икки марта култивациядан чиқарилган, маккажўхорини сугорилишга киришдик. Сугорилишдан олдин гектар бошига 250—300 килограммдан селитра солидик. Қўнлар исб кетилиб билан ниҳоллар ўғитдан, қўсидан баҳра олиб бирдан ави олиб ўса бошлади.

Биз маккажўхори парварлигини тағин ҳам қўлайтирамиз. Яна бир неча кундан сўнг сугорилишга киришамиз. Ундан кейин тағин қатор оралари яхшилаб култивация қилинади.

Б. ХУДОЕВОВ.

Пискент районидagi «Гулистон» колхозни маккажўхорилик бригадасининг бошлиғи.



ҚЎШИМЧА МАНБА

ХЎЖАЛИГИМИЗ кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида кўлга киритилган ютуқлар ҳам салмоқли бўлиб бораётир. Коммунистларни бугунги ютуқ эртага қаноатлантира олмайди. Ҳар бир соҳада янги марраларни қўлаб иш юритишимиз керак. Партиямиз шунга даъват этмоқда.

Шу йилнинг бошлари эди. Коммунистларнинг йиғилишида ўғит, сўт етиштирилиш янада қўлайтириш, чорвачиликнинг рентабеллигини ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Ўша йиғилишда маккажўхори экинни учун энг яхши ерларни ажратиш, бу ерларни сифатли ҳайдаб, ўғитга тўйдириш масаласида алоҳида эътибор берилди. Нима учун маккажўхориликда куч синая кўриш мумкин эмас? Ана шу ўй билан раисимизга мурожаат қилдим. Мени маккажўхорилик звеносига бошлиқ қилиб тайинлашди.

Ёр шароитига қараб, экинни икки марта озиклантирдик. Биринчи озиклантиришда ҳар гектарига 150 килограммдан нитро, фосфор, 250 килограммдан азот берилди. Иккинчи озиклантиришда ҳам ана шу турдаги ўғитларнинг ҳар бирдан 200 килограммдан солидик. Экиндан олдин эса ерларимизни маҳаллий ўғитга тўйдирамиз.

Шу кунларда тўртинчи култивация борапти. Биринчи култивация асосан ерни юмшатиб, ўтин ўлдирини хизмат қилди. Култивацияли мейит ўзим бажаришмоқдамиз. Ҳозир маккажўхориликда унинг марта сўз қўймоқдамиз. Ҳаммаси бўлиб бутун мавсум давомида беш мартаба сўз қўлимиз.

Ишнинг сифати — деҳқон меҳнатининг зийнати. Бунинг эвоомиз аъзолари жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам сугорилиш, озиклантириш, култивация ишларини бажарганда сифат асосий ўлов қилиб олинмоқда. Ҳар бир киши ўз зиммасига қиёмет макбурит олган.

Звенонимизда ҳар бир киши зиммага олинган юксак содқалистик макбуритини муваффақиятли бажариш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Макбуритимиз эса анча юксак. Дастлаб ҳар гектардан 60 центнердан маккажўхори дони топиришга аҳд қилган эдик.

Ҳамма ерда КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш учун кураш қилиб кетди. Биз ҳам ана шу курашнинг олдинги сафларига боришга аҳд қилдик. Маккажўхори майдонларини айланиб, ҳосил қўйини кўриб, ҳар гектаридан ҳам деганда 100 центнердан дон ҳосили олишга сўз бердик.

Маккажўхори чиндан ҳам бебаҳо ўсимлик. У яхши парварлигини талаб этади. Агар сундан, озикдан ўз вақтида хабар олиб турсангиз, албатта, ҳосил мўл бўлади.

Т. СУЛЕЕВ.

Орғоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозни маккажўхорилик бригадаси бошлиғи.



ҲАМ ДОН, ҲАМ ЕМ

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз мамлакатимизда дон етиштиришни қўлайтиришга жиддий аҳамият бермоқда. Илгор колхоз ва совхозлар бу соҳада яқин ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

Сўнги вақтда талайгина хўжаликларда фақат маккажўхори етиштиришга ихтисослаштирилган бригада ва звенолар ташкил этилди. Уларда дончиликни ривожлантириш учун зарур барча тадбирлар амалга оширилади бошланди. Қўшимча минерал ўғитлар, сара уруғлар ажратилди.

Ўзинчи беш йилликнинг биринчи йилида маккажўхорилик янада авж олди. Жуда кўп маккажўхорилик илгорлардан урпак олиб, ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони топириш ташаббуси билан чиқдилар. Биз ҳам ҳар гектар ердан 100 центнердан дон етиштириш макбуритини олдим.

73 гектар маккажўхорилик еримиз сифатли, барвақт ҳайдовдан чиқарилади. Ҳайдовдан олдин ҳар гектарга 500 килограммдан минерал ўғит сенилади. Бу эса йиллик норманинг ярминини ташкил қилади. Уруғ 90х20 сантиметр кенгликда ташланади. Шу тўғайли янада қилимлар парварлишга киришди.

Ўтган йили 65 центнердан ҳосил топирилган эди. Сабаби дон яқини ва топиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Маккажўхори сўтаси қургитилмасдан, намлигича майдондади. Бу маҳсулот сифатини анча ёмонлаштирди. Ортиқча сарф-харажатларни қўлайтириб юборди. Маккажўхори полсини ўришда ҳам хатога йўл қўйди. Дон тўла етилиб пшмасдан, йиғиштириб олинди.

Бу йил ўтган йилдаги камчиликларга кескин барҳам бериш мақсадига қатор ишлар қилинди. Қисқа вақт ичида барча майдонларимизни уч марта култивациядан чиқардик. Сугорилишга куч бердик. Сандхўжа Мўҳиддинов, Маннон Исомов каби энг яхши ишбилармон, таърибали сувчилар бригаданимизга берилиб қўйилди. Улар ўсимликнинг, чанқаб қўлишга йўл қўйишмапти.

Звенонимизда Тўғрун Бурунов барча майдонлардаги маккажўхорини сифатли култивация қилмоқда, нормасини ошириб адо этаётир. Жўра Орипов, Рамазон Раббитовга ухшаш маккажўхорилик ҳам дон ҳосилини қўлайтиришга мўносиб ҳисса қўлимоқдалар.

Бригаданимизда саккиз киши бор. Улар топирилган ишни сандқилили билан адо этишмоқда. Экиннинг бўйига-бўй қўлиш, ҳосил берадиган сўталарни қўлайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти маккажўхорилик бригадаси аъзоларининг умумий меҳнат қилиб, маданий дам олинлари учун барча шартларни яратиб берган. Дала шийони жиҳозланган. Исёқ овнат уюштирилган.

А. ШЕРМАТОВ.

Янгйўл районидagi «Ленин» колхозининг маккажўхорилик бригадаси бошлиғи.

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА— ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

КПСС XXV съездининг 1976—1980 йилларда, СССР Ҳалқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида маккажўхори, арпа, сўн, дуккакли экинлар ва бошқа ембон дон экинларини қўлайтириш, майдонини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш қўзда тутилган.

Бу вазифани бажаришга мўносиб ҳисса қўлиш учун иштирокчилар 100 центнерни маккажўхорилик ҳаракати кенгайиб бораёпти. Бизнинг бригаданимиз аъзолари ҳам ана шу ташаббусга қўшилдилар.

Баҳор бошлангани билан ерни экинга сифатли тайёрладик. Экин билан бир вақтда ҳар гектар ерга 150 килограммдан селитра солидик. Култивация вақтида эса 200 килограммдан селитра, ёр шароитимизни ҳисобга олиб 60—70 килограммдан калий ўғити берилди. Экинлар янада қилиниб, култивациядан чиқарилган, сугорилишдан олдин амнакли селитра солидик.

Умуман, экинларимиз ҳозиргача 4 марта култивация қилинди.

Ҳозир ишчилар, деҳқонлар шовли партиямиз чиниб берган йўлдан бориб, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан майдонга

чиқмоқдалар. Илгор пахтакорларимиз 50 центнерчилар ҳаракатини бошлаб юбордилар. Ўтган йили бригаданимиз меҳнатсевар азаматлари ҳалол ишлаб, 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 93 центнердан маккажўхори дони етиштириб, совхозимизда энг юқори кўрсаткичга эришган эдилар. Натияжада юқори ҳосил етиштириш соҳасида хийла таъриба ортирдик. Қўзимиз анча иппиб қолди. Шунинг учун ўтган йиллардаги таърибларимизга, бу йили агротехника тадбирларига таъйиб ўзинчи беш йилликни дастлабим йилида ҳар гектар ердан 110 центнердан маккажўхори дони етиштирамиз, деб ваъда бердик.

Аслида, биз планга мувофиқ ҳар гектар ердан 55 центнердан дон етиштиришимиз лозим. Лекин, биз бир йилда икки йиллик дон етиштиришга ҳаракат қилаёмиш. Шунинг учун биз бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилдик. Бригаданимиз аъзоларининг лабзи ҳалол, улар сўзларини устидан чиқадилар. Бунга имонимиз қомил.

Х. АХМЕДОВ.

Оққўрғон районидagi «Оққўрғон» совхозни бригадаси бошлиғи.



САРА УРУҒ ЕТИШТИРАМИЗ

УРУҒЛИК донни мўл етиштириш мўҳим ишлардан биридир. Ҳар бир хўжаликда ҳам бунга эришиш катта аҳамиятга эга. Хўжаликларда сара уруғ бўлса, ҳосил ҳам борган сари қўнайверади.

Бизда уруғнинг навалин яхшилаш учун жиддий эътибор берилди. Маккажўхори дони етиштириш билан барча уруғликни қўлайтиришга ҳам ҳаракат қилаёмиш.

Ҳозир 150 гектар маккажўхори зорга эгамиз. Бунинг лримдан қўн Краснодар ўлкасида етиштирилган серҳосилли «баҳор» ва «шамол» нави маккажўхоридир. Яқин вақт ичида барча майдонларга бу навининг уруғини экиб, парварини қиламиз.

Чиндан ҳам бу нав бошқа навларга нисбатан устун. Ҳосили 1,5 баробар кўп бўлади. 5 кун олдин пишди. Сўталари катта-катта, ҳар тулда 3 талаи етгилди.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 60 центнерданга етказиб хирмон кўтарган эдик. Бу йил ҳосилдорликни қўлайтириш учун қўшимча тадбирлар кўрдик. Бир гуруҳ маккажўхориликларимиз Краснодар ўлкасидаги маккажўхори хўжаликларга боришди. Мўл

ҳосил етиштириш, меҳнатни ташкил қилиш ва техникадан фойдаланиш йўллариини ўрганиб қайтишди.

Ўтган йили бизда сўз танкис бўлди. Экинлар ўз вақтида сугориб турилмади. Қўнча чаққитиб ҳам қўйилди. Бу билан ҳосилини белгиланган даражадан анча камайтириб қўйдик. Бу йил сўз сероб. Экинларини вақтида сугориб туриш учун имконият мавжуд. Сугорилиш икки сменада йўлга қўйилганлиги учун экинларимиз бўйига тез бўй қўшмоқда.

Биз КПСС XXV съезди қарорларини асосий иш программасини, деб ҳисоблаймиз. Партиямизнинг маккажўхориликни ривожлантириш ва ҳосилини қўлайтириш ҳақидаги топириқларини оғимай амалга оширишга бел боғладик.

Биз маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун эътиборни сира сўсайтирмаймиз. Ҳар бир нав сўталари алоҳида-алоҳида қопларга жойланади. Яқин кунларда дала маликаси ёппасига сўталай бошлайди.

П. ПАНАЕТИДИС.

Бенобод районидagi 1-«Далварзон» совхозни уруғчилик бригадаси агрономи.



